


Мамлакатимиз суд ҳуқуқ тизмида босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ҳонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу маънода мамлакатимизда судларнинг ихтисослаштирилиши ва фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолияти йўлга қўйилгани ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтирди.



Фахриiddин КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
юридик фанлари номзоди

(Давоми. Бошланғич биринчи бетда)

Шунинг натижасида, фуқаролик ишларида вакил сифатида иштирок этувчи кўлаб шахслар юридик маълумот ва адекватлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини барувчи лицензияга эга эмас.

Шунингдек, бундай шахслар ишонч билдирган фуқаронинг ишончлини суниестивмол қилиб, муайян ҳақ эвазига сохта юридик ёрдам кўрсатиш йўли билан ноқонуний даромад кўрмоқда. Бу ҳол охири-оқибатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётди. Маълумотларга қараганда, бүгунги кунда фуқаролик ишлари бўйича судларда юридик маълумотга эга бўлмаган 150 нафар шахс, адвокатлик фаолияти билан шу-

цессуал кодексига мувофиқ, фуқаролик ишларида иштирок этувчи шахсининг вакили (тарафлар, учинчи шахслар) сифатида адвокатлардан ташқари бошқа ҳар қандай шахсининг, шу жумладан, юридик маълумотга ёки юридик ёрдам кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилади.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Вакил иштироки

унинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда

гулланиш учун лицензияга эга бўлмаган 90 нафар ҳуқуқшунос, шундан жиноят ёки бошқа айбли ҳаракат содир этганлиги учун лицензияси бақор қилинган 28 нафар ҳуқуқшунос тарафлардан бири. янги вакили сифатида иштирок этангқда.

2008 йил 1 майда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирларини тўғрисида”ги Фармо-нда адвокатура институтини янада ислох қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус биланга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмаслигига қаратилган тарафлар вакиллиги институтини босқичма-босқич такомиллаштириш назарда тутилган.

Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш ҳамда, ижосида қайд этилган салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-мод-

дасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаб, 2008 йил 7 август куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритди.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2008 йил 12 августдаги ялпи мажлисида депутатлар томонидан апрофлига муҳокама этилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан маъқулланди ва уч ўқишда қўриб чиқилиб, қонун сифатида қабул қилинди. Шундан сўнг ушбу қонун Олий Мажлис Санияга маъқуллаш учун юборилди.

Айтиш керакки, маъжур қонун лойиҳасини Олий суд томонидан бир йилдан ошқик вақт давомыда ҳуқуқини муҳофаза этувчи идрралар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва кенг жамоатчиликнинг фикри ўрганилган ҳолда тайёрланган.

Қонун лойиҳаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасини 2-қисмининг маъмулдаги 2- ва 3-қисм билан алмаштиришни назарда тутади. Жумладан, 52-модданин 2-қисмига кўра, адвокатлар, тўғри (насл-насаб шажараси бўйича) ва ён шажара бўйича

чя туташган қариндошлар, шунингдек, эр-хотин ёхуд уларнинг қариндошлари, юридик шахсларнинг ходимлари — шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича, номижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари — шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича, қонун билан бешқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати берилган номижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари, биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок этувчиларнинг топшириги бўйича, ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсонинг вакили сифатида катнашишга руҳсат берилган шахслар шартнома бўйича (ижтирий) вакил бўла оладилар.

Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддаси 3-қисмида эса, судда вакил сифатида профессионал иш юрийтиш фаолияти билан фақат адвокатлар шугулланиши белгиланди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши юқорида қайд этилган салбий ҳолатларни бартараф этиш билан бирга фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишни таъминлайди.

Qonun ijodkorligi

Вакил иштироки

унинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда

Кези келганда шунни айтиш керакки, бүгунги кунда фуқаролик судлари фаолияти таҳлил этилганда, фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, адвокатура институтининг мақоми оширишга тўсик бўлаётган баъзи ҳолатлар маъжудлиги аниқланди.

Аниқроқ айтилган бўлсак, Фуқаролик про-